# Ғайридин кишилар ошлаган терилар ҳам пок бўлади




19:00 / 10.06.2019 3012

*Ўн тўққизинчи суннат*

Ибн Ваъла ас-Сабаийдан ривоят қилинади:

«Мен Ибн Аббосдан: «Биз мағрибда бўламиз, мажусийлар мешларда сув ва ёғ келтирадилар?» деб сўрадим.

У: «Ичавер», деди.

Мен: «Бу сенинг фикрингчами?» дедим.

У: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «У(тери)нинг ошланиши – покланиши», деганларини эшитганман», деди.

Муслим ривоят қилган.

**Шарҳ:** Ушбу ривоят соҳиби Ибн Ваъла ас-Сабаий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни кўриб, кўнглида тугиб юрган саволини сўрашга жазм қилди.

**«Биз мағрибда бўламиз, мажусийлар мешларда сув ва ёғ келтирадилар?»** деди.

Яъни бу гапнинг замирида ўша мешлардаги сувдан ичаверайликми, деган савол бор эди. Чунки мешлар теридан қилинади. Мешни мусулмон ўзи сўйган ҳайвон терисидан қилган бўлса-ку, майли. Аммо ғайридин одамники қандай бўлади, мажусийларники қандай бўлади, деган мулоҳазалар бор эди.

«У: «Ичавер», деди».

Яъни Ибн Аббос Ибн Ваълага ўша мажусийларнинг мешларидаги сувдан ичавер, дедилар. Бу жавобни эшитиб, Ибн Ваъла Ибн Аббосга:

«Бу сенинг фикрингчами?» деди.

Яъни бу гапни ўз миянгдан чиқариб айтяпсанми ёки бирор ҳужжатга асосланибми, демоқчи бўлди.

Шунда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «У(тери)нинг ошланиши – покланиши», деганларини эшитганман», дедилар.

Демак, ғайридин кишилар ошлаган терилар ҳам пок бўлар экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Саҳобаларнинг даврида ҳам ғайридин юртларга сафар қилишлар бўлганлиги.

2. Илмли одамни кўрганда иштибоҳли масалани сўраб олиш зарурлиги.

3. Ғайридинлар ошлаган тери ҳам пок бўлиши.

4. Мажусийларнинг идишидан сув ичиб, таом ейиш жоизлиги.

5. Ислом динининг кенглиги.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан***